

5-8 сонли олди-сотди ШАРТНОМАСИ

П.

Жиззах шахри

«5» 07 2022 йил

«JZZAX DORI-DARMON» MCHJ (кейинги матнларда «Сотувчи» деб аталувчи) низомга асосан фаолиятни амалга оширувчи номидан корхона раҳбари Исматов М.К бир томондан ва Низом Шайхмуродовга (низом, ишончнома) асосан фаолият курсатувчи (корхона, муассаса, фирманинг ташкилий ҳуқуқий тузилиши ва тулик номи) (кейинги матнларда «Сотиб олувчи» деб аталувчи номидан Шайхмуродов Н.М. иккинчи томондан қуйидагилар тугрисида ушбу шартномани туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 «Сотувчи» «Сотиб олувчининг»нинг талабномаси асосида дори воситалари тиббий буюмлар, дезинфекцияловчи моддалар, доривор усимликлар, кимёвий реактивлар, кулланма ва адабиётлар, ёрдамчи воситалар, дорихона идишлари, сан-гигена буюмлари ҳамда бошқа махсулотлар етказиб беришни, «сотиб олувчи» эса ушбу махсулотларни қабул қилиб олишни ҳамда махсулот ҳаққини «Сотувчи»нинг банкдаги тегишли ҳисоб рақамига келишилган муддатда утказиб беришни уз зиммасига олади.

1.2. Шартноманинг мулжалланган суммаси бир ҳафтада икки соғ тугсоон сумми ташкил қилади.

1.3. «Сотувчи» томонидан сотилган махсулотнинг номи, нархи, микдори, суммаси счет-фактурада ва шартноманинг ажралмас қисми бўлган (илова) спецификацияда қайд этилади.

2. МАХСУЛОТНИ СИФАТИ.

2.1. «Сотиб олувчига» Ўзбекистан Республикасида Фармакологик руйхатдан утган, тиббиётда кулланилишга руҳсат этилган, сифат, маркировка ва урамлари фармацевтик, техник талабларига жавоб берадиган ҳамда сифат сертификатига эга булган дори-дармонлар ва тиббий махсулотлар етказиб берилади.

2.2. «Сотиб олувчи» «Сотувчи» оմборхонасидан қабул қилиб олинган товарларнинг микдори, сифати тугрисида номувофиклик аниқласа, камчиликлар тугрисида товар қабул қилиб олгандан сунг 24 соат ичида «Сотувчига» ёзма равишда хабардор қилиши керак.

2.3. «Сотувчи»нинг оմборхона худудидан товарлар олиб кетилгач, товарнинг сифатига ва микдорига «Сотиб олувчи» тулик жавобгар ҳисобланади.

3. МАХСУЛОТЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ.

3.1. «Сотиб олувчи» махсулотларни уз транспортида олиб кетади. Махсулотларни юклаш ва жунатиш билан боғлиқ барча харажатлар «Сотиб олувчи»нинг зиммасига юклатилади. Тарафларнинг қелишувига биноан махсулотлар «Сотувчи»нинг транспортида «Сотиб олувчи»нинг манзилига етказиб берилиши ҳам мумкин.

3.2. «Сотиб олувчи» берган буюртма махсулотига «Сотувчи»нинг тегишли, ҳисоб рақамига 30 кунда қелишилган туловни амалга оширмаса «Сотувчи» ушбу махсулотни бошқа «Сотиб олувчи»га сотиниши амалга оширади.

3.3. Гиёҳванд воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлар «Сотиб олувчи» томонидан ваколатли шахс томонидан яъни Лицензия битимида номи қайт этилган жавобгар шахс махсус транспорт воситаси билан «Сотувчи» оմборхонасидан олиб кетилади.

3.4. «Сотувчи»нинг ҳисоб рақамига шартнома асосида махсулотларга «Сотиб олувчи» томонидан 30% пул тулангандан кейин «Сотиб олувчи»нинг талабига биноан 30 кун муддат ичида Сотувчи томонидан шартноманинг ажралмас қисми булган спецификацияда курсатилган махсулотлар тулигича берилиши шарт.

3.5. «Сотувчи» томонидан «Сотиб олувчи»га ишончнома асосида қуйидаги ҳолларда махсулот бермаслиги мумкин;

А) Махсулот олиш учун берилган ишончнома тулдирилишида хатоликлар булса ёки узгартиришлар киритилганда;

В) Ишончнома берилган шахс фуқоролик паспорти нуҳасини тақдим қилмаса;

Г) Ишончноманинг амал қилиш муддати утиб кетганда;

Д) Гиёҳванд, психотроп, прекурсорлар билан боғлиқ ҳолатда ушбу фаолият билан шугулланиш учун Уз.ССВ томонидан берилган лицензия битимида курсатилган шахсдан бошқа шахсга ишончнома берилган булса.

4. ТУЛОВ ШАРТЛАРИ.

4.1. «Сотиб олувчи» шартномада (спецификацияда) белгиланган махсулотлар микдорининг умумий баҳосини 15% туловини олдиндан «Сотувчи»нинг банкдаги ҳисоб рақамига маблаг утказиш йули билан тулангандан сунг «Сотувчи» томонидан ишончномага асосан счет фактура асосида махсулот берилади.

4.2. «Сотиб олувчи» шартноманинг 4.1.бандига асосан «Сотувчи»дан махсулот сотиб олганида счет фактурасида курсатилган махсулотнинг умумий баҳосининг қолган 70% қисмини 30 кун мобайнида «Сотувчи»нинг банкдаги ҳисоб рақамига маблаг утказиш йули билан тулаши шарт.

4.3. Ушбу шартномани имзолаган кундан бошлаб «Сотиб олувчи» «Сотувчи»га тулов муддатлари қелган пайтда узининг банкдаги ҳисоб рақамидан қарздорлик ва жарималар суммасини тулаш тугрисида шартларсиз чақириб олинмайдиган, ақцептланмаган тулов талабномасини қуйиш ҳуқуқини тулик беради.

4.4. «Сотиб олувчи» «Сотувчи»нинг талабига биноан тарафлар уртасида шартномага асосан етказиб берилган махсулотлар ва қилинган туловлар тугрисида узаро ҳисоб-китоб солиштирма далолатномасини тузини мажбур

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. Мазкур шартномани бажармаганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тулайди, ҳамда Уз.Рес. Фуқоролик кодекси, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги қонуни ва бошқа амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда ушбу шартномага мувофиқ жавобгар буладилар.

5.2. Шартноманинг 2.1 бандига асосан «Сотувчи» томонидан сотилган маҳсулот сифатсизлиги тегишли ҳужжатлар асосида 3 кун ичида тастикланса, у ҳолда «Сотувчи» тегишли маҳсулотни сифатли маҳсулот билан алмаштириб беради ва бу билан боғлиқ барча харажатларни уз зиммасига олади.

5.3. Шартноманинг 4.3.бандига асосан «Сотиб олувчи» маҳсулотнинг туланмаган қийматини 30 кундан кечиктириб тулашга йул қуйса, кечиктириб туланаётган суммадан ҳар бир кун учун «Сотувчи» фойдасига 0,4% айбона (пеня) тулайди. Лекин пеня қиймати туланмаган сумманинг 50% идан ошмаслиги керак.

5.4 «Сотувчи» ва «Сотиб олувчи» шартнома имзолашганда қуйидаги ҳужжатлар нусхасини тақдим қилиш мажбуриятларини олишлари шарт.

«Сотувчи»нинг мажбуриятлари.

А) Фармацевтик фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ССВ томонидан берилган лицензия нусхасини;

В) Ташкилотнинг Давлат руйхатидан утганлиги тугрисидаги гувоҳнома нусхасини;

Г) У.л.уржи фаолиятни ошириш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома нусхасини;

«Сотиб олувчи»нинг мажбуриятлари:

А) Фармацевтик ёки Даволаш профилактик, гиёҳванд, психотроп, прекурсорлар билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ССВ томонидан берилган лицензия нусхасини;

В) Ташкилотнинг Давлат руйхатидан утганлиги тугрисидаги гувоҳнома нусхасини;

Г) Гиёҳванд, психотроп, прекурсорлар билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш учун бириктирилган шахсини тастикловчи ҳужжатни, қорхона буйруғи, фаолиятни амалга оширишга лаёқати мумкинлигини тастикловчи муассасалардан маълумотномалар, ИИБ томонидан судланмаганлик тугрисидаги маълумотнома нусхасини тақдим этишлари шарт.

6. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ.

6.1. Ҳақиқатда тусдаги ҳолатлар ҳамда енгиб булмайдиган куч натижаси туфайли тарафларда ушбу шартнома мажбуриятларини бажариш имконияти булмаса, улар жавобгарликдан озод этиладилар. Форс мажор ҳолат бошланганлиги ва тугаганлиги тугрисида ваколатли орган томонидан берилган ҳужжатга асосан бир тараф иккинчи тарафни зудлик билан ёзма равишда огоҳлантиради.

7. НИЗОЛАРИИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

7.1. Ушбу шартнома юзасидан келиб чиқадиган барча низолар тарафларнинг келишуви билан хал қилинади. Тарафларнинг келишуви билан хал қилиб булмайдиган низолар Жиззах вилояти иқтисодий суди орқали хал қилинади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.

8.1. Шартнома томонлар имзоланган, муҳр билан тастикланган ва газначилиқдан булинмаларидан руйхатдан утган кундан бошлаб кучга қиради ва 31 12 2022 йилга қадар амал қилади.

9. БОШҚА ХОЛАТЛАР.

9.1. Шартномага киритилиши керак булган узгартиш ва қушимчалар фақат ёзма тартибда томонлар муҳрлаб имзолаган келишув битими орқали амалга оширилади ҳамда ушбу келишув битими газначилиқ органидан руйхатдан утгандан сунг асосий шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга булиб, икки нусхада давлат тилида тузилган.

10. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

«СОТУВЧИ»

«JIZZAX DORI-DARMON» MCHJ

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кучаси 106 уй

X.P. 20208000200304477001

Миллий Банк Жиззах вилоят филиали

МФО 00121 ИНН.200344484

ОКОНХ 71212 ОКЭД 46460

Тел./факс 222-33-08 Тел.222-45-04 226-49-99

«СОТИБ ОЛУВЧИ»

Беркхондан асқаров
Рахматилло

4014208600840173310057001

200301704 *КЕДО. АСОИ*

Беркхондан асқаров *Рахматилло*



М.У

Исмамов М

Юрист хулосаси

Ушбу шартнома амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик кодексининг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тугрисида»ги қонуни ва бошқа амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мос келади.

Юрисконсулт

Юсупов Г.

Спецификация к договору № Б-8 от 05.01 201__ года

№ пп	Наименование	Серия	Кол-во	Цена	Сумма
1	Бинт мар мед.стерильный 7мх14см	3765/3766/3767 /3768	50.0000	2185.00	109250.0
2	Вата мед гигрос гигиен н/с 100г	124	40.0000	4004.00	160160.0
3	Перчатки лат.мед.н/с раз L.M.S	сер произ	500.0000	1035.00	517500.0
4	Спирт этиловый 70% 50мл	130821	120.0000	1437.00	172440.0
5	Фуросемид р-р д/инь 1% 2 мл №10	010521/010421	20.0000	5060.00	101200.0
6	Шприц инь. стер. однокр.пр 5мл с игл	071	500.0000	460.00	230000.0

Всего товаров на сумму: 1290550 сум.

Поставщик "ЖИЗЗАХ ДОРИ-ДАРМОН" МЧЖ



Покупатель:





YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZISH TO'G'RISIDA

GUVOHNOMA

Reestr № 5676

Guvohnoma № 4283

2014 yil « 14 » aprel

Mazkur guvohnoma Jizzax shahar hokimligi huzuridagi tadbirkorlik sub'yektlarin ro'yxatdan o'tkazish inspeksiyasi tomonidan yuridik shaxs _____
"JIZZAX DORI - DARMON" mas'uliyati cheklangan jamiyati _____
_____ ga berildi.

Tashkiliy-huquqiy shakli: _____

Mulkchilik shakli: _____

Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili: _____

Yuridik shaxs kodi: _____

Asosiy faoliyat turi: _____

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami: _____

Qo'shimcha ma'lumotlar: Ayval 2011 yil 15 sentyabrda № 4283 conli reestr bilan qayta ro'yxat
o'tgan shu'ba korxonaga aylantirildi.



Vakolatli organ boshlig'i: _____

THSHT(ОПФ)

1152

MSHT (ФС)

142

MHBT (COATO)

1708401

КТУТ (ОКПО)

02018702

XXTUT (ОКОHX)

71212

STIR (ИНН)

200 344 484



№ 6180-2751-3a63-3baa-5412-0876-4291
Хужжат яратилинган сана: 2020-08-17
Ариза рақами: 21245741

Хужжат берилган: "JIZZAX DORI DARMON" М
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 200344

Серия: - №:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги
Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги
Фармацевтика фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига 15682 - сонли
ЛИЦЕНЗИЯ

Ушбу лицензия "JIZZAX DORI DARMON" масъулияти чекланган жамиятига дори воситалари ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилишни амалга ошириш учун берилди.

Жойлашган жойи (почта манзили): Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, 106-уй.

Солиқ тўловчининг идентификациялаш рақами (СТИР):

200344484

Лицензия берилган сана:

07-08-2020 йил

Амал қилиш муддати:

07-08-2025 йил

Лицензиянинг реестр бўйича тартиб рақами:

14267-20

Ваколатли шахс:

С.Кариёв

ZUFAROVA GULNORA XAYRULLAYEVNA

Маъқур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрисидаги маълумотларнинг аниқлигини таъминлаш учун go.gov.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжатнинг нўб рақамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланган.



7097

